



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҒАЛАБАНИНГ 78 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан Москва шаҳрига амалий ташрифи доирасида 9 май куни Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 78 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этди.



Ўзбекистон халқининг Буюк Ғалабага қўшган ҳиссаси бекиёс. 1941 йилда республикамиз аҳолиси 6 миллион 800 мингдан зиёд кишини ташкил этарди. Уруш бошланиши билан қарийб 2 миллион юртдошимиз фронтга отланди. Ҳар бири том маънода қаҳрамон бўлган бу азиз инсонларнинг 500 мингдан зиёди шафқатсиз жангларда ҳалок бўлди, яна минглаб ватандошимиз урушдан ногирон бўлиб қайтди. Халқимиз туну кун тинимсиз меҳнат

қилиб, улкан миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа, дори-дармон захираларини жанг майдонларига узлуксиз етказиб берди. Ўзбекистонга 170 га яқин завод ва фабрика эвакуация қилинди ва қисқа муддатда қайта ишга туширилди.

Урушдан жабр кўрган 1 миллион 500 мингдан ортиқ кексалар, аёллар ва болалар республикамизга кўчириб келтирилди. Уларнинг 200 мингдан зиёди ота-онасидан айрилган етим болалар эди.

Юртимизда Иккинчи жаҳон урушида жанг қилган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган аждодларимизнинг жасоратини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳар йили рағбатлантирилмоқда, уларнинг соғлигини асрашга устувор аҳамият берилмоқда. Тошкент шаҳрида улкан Ғалаба боғи очилди, унда “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги ва Шон-шараф музейи барпо этилди.

Москвадаги Қизил майдонда Ғалаба паради бўлиб ўтди. Уни Беларус Президентини Александр Лукашенко, Қозоғистон Президентини Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президентини Садир Жапаров, Тожикистон Президентини Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президентини Сердар Бердимухамедов ва Арманистон Бош вазири Никол Пашинян ҳам кузатди.

Тадбирдан сўнг Ўзбекистон раҳбари бошқа давлатлар етакчилари

билан бирга Александр боғидаги “Номаялум аскар” ёдгорлигига гулчамбар куйди ва Иккинчи жаҳон урушида Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган аскарлар, шу жумладан, ўзбек ўғлонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Москвага амалий ташрифи доирасида Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан учрашув ўтказди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама кун тартибининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар ҳамда бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Россияга амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

БУГУННИНГ ГАПИ

ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАЛИ ВА ИШОНЧЛИ МАКОНИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ГЕРМАНИЯГА ТАШРИФИ ДОИРАСИДА ОКМК ВА ЕВРОПА КОМПАНИЯЛАРИ ЎРТАСИДА ҚИЙМАТИ 1,45 МИЛЛИАРД ЕВРОДАН ЗИЁД ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Тараққиёт стратегиясида мавжуд захира ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, 2026 йилга бориб аҳоли жон бошига ялли ички маҳсулотни 1,6, sanoat маҳсулоти ҳажмини 1,4 баробар ошириш вазифаси қўйилган. Бунга, аввало, драйвер соҳаларда, “хомашёдан — тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида sanoat кластери

тизимини ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Мисол учун, мис sanoati кластерини ташкил этиш билан мис ва ундан бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 3 қарра кўпайтириш режалаштирилган.

Давоми 3-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

КАТТА ВОҚЕАЛАР ЭВРИЛИШИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев янгиланган Конституцияни ҳаётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар муҳокамаси юзасидан Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан 8 май куни ўтказган мулоқотида олдимизда турган гоят муҳим вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди. Бу кенг жамоатчилигимиз томонидан эътироф этилмоқда. Куйида шу ҳақдаги фикрлар билан танишасиз.



Давоми 3-бетда

Озарбайжон элчиси Хусайн ГУЛИЕВ:

ОЗАРБАЙЖОН – ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР мустақамланишида Ҳайдар Алиевнинг тарихий ўрни муҳим



10 май куни Озарбайжон халқи ва ушбу мамлакатнинг барча дўстлари муҳим сана — буюк давлат арбоби, оқил сиёсатчи ва атоқли инсон, Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев таваллудининг 100 йиллигини нишонлайди. Шу муносабат билан “Дунё” АА муҳбири Озарбайжоннинг мамлакатимиздаги элчиси Хусайн Гулиев билан суҳбатлашди.

Давоми 2-бетда

МУЛОҲАЗА

ОСОЙИШТА ВА ФАРОВОН КУНЛАРИМИЗ АСОСИ

аждодларимиз мардлиги ва матонати билан қадрланади

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимизнинг сўнмас хотирасини ёд этиб, уларнинг руҳига ҳурмат бажо келтириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Негаки, ҳеч шубҳасиз, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, бу урушда эришилган ғалабанинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораверади.

Бугунги ёруғ, мусаффо осмонимиз софлигини, ҳозирги тинч, осуда ҳаётимизни таъминлаш учун букилмас ирода ва жасорат намунасини кўрсатган, Ватан учун азиз жонини фидо қилган мард ва жасур ота-боболаримиз матонатини ҳеч қачон унутмаймиз!

Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқатан ҳам инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлган. Бу уруш инсоният, шу жумладан, халқимиз бошига қандай огир азоб-уқубат ва талафотлар,

беҳисоб қурбонлар келтиргани тарихдан яхши маълум.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. Хусусан, 2020 йилга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди.

Давоми 2-бетда

МЕҲРЛИ СИЁСАТ

ХОТИРА МУҚАДДАС

бир-биримизни қадрлаб яшаш — олий саодат!



3-бетга қаранг.

